БЕДИЛ ИЖОДИДАГИ ГЎЗАЛ АХЛОҚ ВА ФАЗИЛАТЛАР

ДУХОВНАЯ И НРАВСТВЕННАЯ КРАСОТА В ТВОРЧЕСТВЕ БЕДИЛЯ

SPIRITUAL AND MORAL BEAUTY IN BEDIL'S HERITAGE

Nargiza SHOALIEVA.
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,
candidate of philological sciences, senior lecturer of the department of the Uzbek language and oriental classical literature.
nshoaliyeva74@mail.ru UZBEKISTAN, 100011.

DOI: 10.47980/IIAU/2021/4/5

Аннотация: *Мусулмон киши ахлоқан гўзал ва маънан баркамол шахс бўлмоғи даркор. Шарқ мутафаккирларининг башарият тамаддунига қўшган ҳиссаси беқиёс бўлиб, бугунги кунда ҳам уларнинг ижодларини ўрганиш ва тадқиқ этиш долзарб мавзулардан саналади. Ана шундай мутафаккирлардан бири – Мирзо Абдулқодир Бедил (1644-1721) бўлиб, у туркий, форсий ҳамда Ҳиндистон халқларини бирлаштириб турадиган силсиланинг узилмас халқасидир. Файласуф-шоир илм-ҳунар эгаллашда ҳар бир инсон ахлоқий мезонларни, жумладан, инсоф, камолотга интилишни ўзига раҳбар қилиб олиши керак, деган ғоя мақолада асосий ўринни эгаллаган ва Бедилнинг бу борадаги фаолияти тадқиқ қилинган.*

Мазкур мақолада Бедил ижодида ахлоқий қадриятларни таҳлил остига олар эканмиз, Бедил илгари сурган ахлоқий қадриятлар орасида карам тушунчаси муҳим ўрин эгаллаган. Карам ахлоқий тушунчаси мутафаккир томонидан инсон камолотида, унинг мукаммалликка эришишда устувор қадриятлардан бири сифатида талқин этади. Мутафаккир карам тушунчаси ҳақида фикр билдирганда, ўзидан олдин яшаб, ижод этган алломаларнинг қарашларига таяниб, уларни янги мазмун билан бойитгани тадқиқ этилган.

Булардан ташқари, Бедил ҳаё, ибо, уят каби ахлоқий тушунчаларга ҳам катта эътибор қаратади. Бедил таълимотидаги ҳаё, уят, андиша каби ахлоқий қадриятларни таҳлил этганимизда, уларнинг Марказий Осиё мутафаккирлари ижоди билан ҳамоҳанглигини кўрамиз. Масалан, Юсуф Хос Ҳожибда ушбу тушунчалар ҳақида шундай дейилади "Икки оламда ҳам одамга керакли нарса яхши феъл ва хуш хулқдир. Иккинчидан шарм-ҳаё, андиша, учинчидан ростлик-тўғрилик ҳам зарур нарсадир. Мана шу фазилатлар туфайли одам бахт топади. Уят, андиша кишини ярамас ишлардан тияди, ҳаёсизлик одам учун ўхшаши йўқ иллатдир. Тўғрилик, ҳаё ва хушфеъллик жам бўлса олам-олам севинч демакдир". Бу каби фикрлар Алишер Навоийнинг ахлоқий қарашларида ҳам мавжуд. Масалан, "Вафосизда ҳаё йўқ; ҳаёсизда вафо йўқ. Агар кимда бу икки сифат бўлмаса – унда имон ҳам йўқ".

Мақолада Мирзо Бедил илмни инсоннинг асл гавҳари эканлигини таъкидлаб, табиатнинг яширин сирларини инсон идрок қилиши учун одам билимли бўлиши, қунт билан ўқиши кераклиги ҳақидаги фикрлари таҳлил қилинган.

Калид сўзлар*: Мирзо Абдулқодир Бедил, ахлоқ, гўзал, имон, инсон, ҳикоят, ҳаё, ақл.*

Аннотация: *Представитель ислама, то есть мусульманин, должен быть нравственно красивым и духовно зрелым человеком. Вот почему вклад восточных мыслителей в человеческую цивилизацию неоценим, и сегодня изучение и применение их творений может стать большим фактором в воспитании подрастающего поколения, а также в духовном развитии общества. Личность Мирзо Абдулкадира Бедиля (1644-1721), занимающего уникальное место среди наших мыслителей, является неразрывным звеном в цепи, объединяющей тюркские, персидские и индийские народы. Философ-поэт выдвигает идею о том, что в получении знаний каждый должен руководствоваться моральными критериями, в том числе честностью и стремлением к совершенству. В этой статье мы анализируем моральные ценности в работе Бедила, и концепция величие занимает важное место среди моральных ценностей, продвигаемых Бедилом. Моральное понятие величие трактуется мыслителем как одна из приоритетных ценностей в совершенствовании человека, в достижении его совершенства. Когда мыслитель выражает мнение о концепции величие, он обогащает их новым содержанием, опираясь на взгляды ученых, которые жили и творили до него.*

Моральное понятие величия трактуется мыслителем как одна из приоритетных ценностей в совершенствовании человека, в достижении его совершенства. Когда мыслитель выражает мнение о концепции величия, он обогащает их новым содержанием, опираясь на взгляды ученых, которые жили и творили до него.

Кроме того, Бедил уделяет большое внимание таким моральным понятиям, как скромность и стыд. Когда мы анализируем моральные ценности в учении Бедиля, такие как скромность, стыд и смиренность, мы видим, что они находятся в гармонии с работой мыслителей Центральной Азии. Например, Юсуф Хас Хаджиб говорит об этих концепциях: «В обоих мирах человеку нужны добрые дела и хорошие манеры. Во-

вторых, необходимы стыд, скромность, в-третьих, правдивость. Именно благодаря этим качествам человек находит счастье. Стыд удерживает человека от плохих поступков, а бесстыдство - это плохо. Когда сочетаются честность, скромность и доброта, мир полон радости». Подобные идеи присутствуют и в нравственных воззрениях Алишера Навои. Например: «В неверном нет стыда; в бесстыдном нет верности. Если у человека нет этих двух качеств, у него нет Веры.

Мирза Бедил подчеркивает, что наука -это настоящая жемчужина для человека, и выдвигает идею о том, что для того, чтобы человек мог понять секреты природы, он должен быть хорошо осведомленным и прилежно изучать их.

Ключевые слова: Мирза Абдулкадир Бедил, нравственность, красота, вера, человек, история, скромность, интеллект.

Abstract: *A Muslim must be a morally beautiful and spiritually mature person. The contribution of Eastern thinkers to human civilization is invaluable, and the study of their creations is still a vital topic today. One of such thinkers was Mirza Abdulkadir Bedil (1644-1721), who is an unbreakable link in the chain that unites the Turkic, Persian and Indian people. The poet's idea that everyone should be guided by moral criteria, including the pursuit of honesty and perfection, in the acquisition of knowledge, played an important role in the article. We studied in this article Bedil's works in this area. The moral ideal of greatness was interpreted by the thinker as one of the priority values in human perfection, in achieving his perfection.*

When the thinker expressed his opinion on the idea of greatness he relied on the views of the scholars who lived before him and he enriched them with new content. In addition, Bedil pays attention to ethical concepts such as modesty and shame. When we analyze the moral values in his teaching, such as modesty, shame, disgrace, we see that they are in harmony with the work of Central Asian thinkers. For example, Yusuf Khas Hajib says about these concepts: In both worlds, what a person needs is a good character and good manners. Secondly, shame, modesty, and thirdly, truthfulness is also necessary. It is because of these qualities that a person finds happiness. Shame keeps a person from doing bad things, and shamelessness is a bad thing for a person. When honesty, modesty, and kindness are combined, the whole world will be full of happiness.

We can find these ideas in Alisher Navoi's moral views. For example, an unfaithful person has no shame; the shameless have no fidelity. If a person does not have these two qualities, he has no faith.

The article analyzes Mirza Bedil's idea that science is the true jewel of man and that for man to understand the secrets of nature, he must be knowledgeable and diligent.

Keywords: *Mirza Abdulkadir Bedil, morality, beauty, faith, man, history, modesty, intellect.*

КИРИШ

Мирзо Абдулқодир Бедилнинг буюк мутафаккир, шоир ва файласуф бўлиб етишишида Шарқ алломалари ва мутасаввиф шоирларнинг ижоди алоҳида аҳамиятга эгадир. Айниқса, Шайх Фаридиддин Аттор, Шайх Саъдий Шерозий, Мавлоно Жалолиддин Румий, Шайх Азизиддин Насафий, Имом Муҳаммад Ғаззолий, Хожа Ҳофиз Шерозий, Мавлоно Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби мутафаккирларнинг ижоди Бедилни ҳар доим қизиқтириб келган. Манбаларда келтирилишича, Бедил Саъдийнинг “Гулистон” ва “Бўстон”ини мароқ билан ўқиган ва унинг таъсири билан бу ҳақда ўзига “Бедил” тахаллусини олган.(Мўминов Иброҳим, 1969:58) Албатта, файласуф ижодида Қадимги Юнон мутафаккири Арастунинг таъсири ҳам салмоқли бўлган. Биз буни Бедилнинг “Ирфон” асарининг бир неча саҳифалари Арастуга бағишланганидан ҳам билиб олишимиз мумкин. Бедилнинг дунёвий илмлар соҳасидаги изланишларига ўз навбатида Арасту билан бир қаторда Форобий, Беруний, Ибн Сино, Умар Хайём, Насириддин Тусий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби алломаларимизнинг таъсири ҳам бўлган.

УСЛУБЛАР

Манбаларда маълумот берилишича, Бедил ҳазратлари 130 минг мисрадан ортиқ шеърий, эллик босма табоқ ҳажмида насрий мерос қолдирган. Шоирнинг асосий шеърий асарлари жамланган “Куллиёт”и, шунингдек “ Тилсими ҳайрат”, “Таркибот ва таржеъот”, “Муҳити аъзам”, “Тури маърифат”, “Ишорат ва ҳикоёт”, “ Риқаъот”, “Чаҳор унсур”, “Ирфон”, Нукот” сингари бир қатор назмий ва насрий асарлари борлиқ ва йўқликнинг, олам ва одамнинг бетимсол ижодий меҳнатнинг жавоҳир меваларидир. (https://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/matnazar-abdulhakim-bedil-tarjimalar.html). Мазкур мақола кўпроқ адабий, бадиий таҳлил ва қиёсий таҳлил услубида талқин қилинди.

НАТИЖА

Ислом дини вакили, яъни мусулмон киши ахлоқан гўзал ва маънан баркамол шахс бўлмоғи даркор. Шунинг учун ҳам башар тамаддунига шарқ мутафаккирларини қўшган ҳиссаси беқиёс бўлиб, бугунги кунда ҳам уларнинг ижодларини ўрганиш ва тадбиқ этиш, ёш авлодни тарбиялашга, манавий юксалишига қолаверса жамият равнақига катта омил бўла олади. Мутафаккирларимиз қаторида

беназир ўринга эга бўлган Мирзо Абдулқодир Бедил шахсияти туркий, форсий ҳамда Ҳиндистон халқларини бирлаштириб турадиган силсиланинг узилмас халқасидир.

МУҲОКАМА

Бедил инсон коинот мавжудотлари ичида энг юксак мақомда яратилганини таъкидлар экан, кишиларни ирқи, жамиятдаги мавқеидан қатъий назар, шу шарафли номга муносиб кўришни истайди. Тўғри, у диний-ирфоний қарашдан туриб айтилган бир фикрида инсоннинг "асл гавҳар" – илоҳий даргоҳдаги асл мавқеидан тезгина ажралиб, қуйи, яъни, "тупроққа айланувчи" моддий ҳаётга кўчишининг осонгина рўй берганини эслатиб ўтади. Аслида гавҳар ҳеч қачон тупроққа айланмайди ва шунинг учун ҳам у қимматбаҳо гавҳар тошидир. Аммо, Бедил ахлоқда инсоннинг гавҳардек нодир бўлишини истайди.

Инсонинг гўзал ахлоқи, унинг маърифатидан мужассам. Шундан келиб чиқиб, инсонлар ўртасидаги муносабатларда *камтарлик, олийжаноблик, ҳиммат, ғайрат, карам, ҳаё, уят, андиша*, *устозга, ота-онага, катталарга ҳурмат, сабр қаноат, ватанни севиш* устувор бўлиши бугунги кун талаби даражасига кўтарилмоқда. Маърифат йўқ жойда, инсоний муносабат, ахлоқий қадрият ҳақида оғиз очиб бўлмайди.

Бугунимизнинг асосий вазифаси ўсиб келаётган ёш авлод онгига, қолаверса, республикамизнинг барча фуқаролари онгига мана шу маърифат, эзгулик нурини сингдириш, бу нурни ҳаёт манбаига айлантириш мақсадида Бедил асарларидаги маърифат асослари бўлмиш гўзал ахлоқ манбаларини мақолада муҳокама қилинмоқда.

ТАҲЛИЛ

Мирзо Бедил ахлоқий гўзалликни мадҳ этар экан, унинг манбаи сифатида *илм-ҳунар* эгаллашни илгари суради:

Ҳусни маънӣ хоҳӣ аз касби ҳунар ғофил мабош,
Абрўйи бему бувад, теғе, ки ӯ бе ҷавҳар аст…
Аз ҳаё магзар, ки дар номусгоҳи эътибор,
Шарм мардонро виқор асту занонро зевар аст...
Софдил бо ҳар чӣ омезад, кудурат мекашад,
Тира бошад об гарчи мухталиф бо шакар аст.
(Шавкат Шукуров,1979:68.)

Маъноси:

Ахлоқ гўзаллигига эришаман десанг, ҳунар ўрганишга парвосиз бўлма.

Толасиз қош жавҳарсиз қиличдек ўтмас ва хунукдир.

Ҳаё доирасидан тажоввуз қилма, безбет бўлма,
Чунки ахлоқ-одоб тақозосига кўра,
Уят эркакларнинг виқори саналса, хотинларнинг безагидир.

Кўнгли соф одам ҳар нарсага қушилса азоб чекади,
Тиниқ сув шакар билан қоришса хиралашади.

Файласуф кишиларни гўзал хулқ-одобга ошно бўлишга чақиради. Бунда асосан *камтарлик, олийжаноблик, ҳиммат ва ғайрат* каби ахлоқий фазилатларни мадҳ этишни ўзининг мақсади, деб билади:

Осмон бўлсанг ерга эгилмоқ яхши,
Тупроқ бўлсанг кўкка интилмоқ яхши.
Нотавон, бечора бўлмагил зинҳор,
Ғайратда, ҳиммatда бўл порлоқ, яхши. (Мирзо Абдулқодир Бедил,1974:37)

Бедил илгари сурган ахлоқий қадриятлар орасида *карам* тушунчаси муҳим ўрин эгаллаган. *Карам* ахлоқий тушунчаси мутафаккир томонидан инсон камолотида, унинг мукаммалликка эришишда устувор қадриятлардан бири сифатида талқин этади. Мутафаккир *карам* тушунчаси ҳақида фикр билдирганда, ўзидан олдин яшаб ижод этган алломаларнинг қарашларига таяниб, уларни янги мазмун билан бойитади. Масалан, мутафаккирларнинг асарларида илгари сурилган *карам* тушунчаси Бедил таълимотида янада ривожлантирилганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, Алишер Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" асарида карам тушунчасига тўхталиб, шундай деган эди: "Карам – бир жафокашнинг оғир юкини кўтармоқ ва ўша юкнинг машаққатидан уни қутқармоқдир. *Карам* – бировнинг тиканли машаққат юкини кўтармоқ ва тикан санчилишидан гулдек очилмоқ ва шу қилган иши ҳақида оғиз очмаслик. Ҳеч миннат қилмаслик, асло юзига солмасликдир. *Карам* ва *мурувват* – ота-онадирлар". (Алишер Навоий, 1983:63) Мирзо Бедил эса, яхшилик *карам*дан иборат, деб ҳисоблаб, шундай дейди:

Карам дастурхони ёйилган нафас,
*Бахиллик дилингдан йироқ бўлса бас. (*Мирзо Абдулқодир Бедил, 2005:64)

Мутафаккир эзгулик, сахийлик, улуғворлик, яратиш, ободонлаштириш, деҳқончилик каби барча хислатларни *карам* тушунчаси орқали ифодалайди.

Бедил илгари сурган *карам* тушунчаси тасаввуф аҳли тавсифида ҳам *улуғворлик, мардлик, яхшилик* маъносида ишлатилади:

Борлиқ ўзгариши дерлар ўлимни,
*Йўқолмаслигимиз асоси карам. (*Мирзо Абдулқодир Бедил, 1974:18)

Булардан ташқари, Бедил *ҳаё, ибо, уят* каби ахлоқий тушунчаларга ҳам эътибор қаратади. Бедил таълимотидаги *ҳаё, уят, андиша* каби ахлоқий қадриятларни таҳлил этганимизда, уларнинг Ўрта Осиё мутафаккирлари ижоди билан ҳамоҳанглигини кўрамиз. Масалан, Юсуф Хос Ҳожибда ушбу тушунчалар ҳақида шундай дейилади "Икки оламда ҳам одамга керакли нарса яхши феъл ва хуш хулқдир. Иккинчидан шарм-ҳаё, андиша, учинчидан ростлик-тўғрилик ҳам зарур нарсадир. Мана шу фазилатлар туфайли одам бахт топади. Уят, андиша кишини ярамас ишлардан тияди, ҳаёсизлик одам учун ўхшаши йўқ иллатдир. Тўғрилик, ҳаё ва хушфеъллик жам бўлса олам-олам севинч демакдир". (Қадимий ҳикматлар,1987:162.)

Бу каби фикрлар Алишер Навоийнинг ахлоқий қарашларида ҳам мавжуд. Масалан, "Вафосизда ҳаё йўқ; ҳаёсизда вафо йўқ. Агар кимда бу икки сифат бўлмаса – унда имон ҳам йўқ". (Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб, 1983:64)

Бедил уят, ҳаё каби ахлоқий тушунчаларнинг моҳиятини инсон онгига етиб бориши учун уларни холисона тасвирлашга ҳаракат қилади:

Йўлбарс ила шерни енган мард киши,
Бўйин эгиб турса, бу ҳаё иши. (Мирзо Абдулқодир Бедил., 1974:45)

Ҳ*аё, уят* каби туйғулар инсоннинг безаги. Инсон ўзининг ахлоқий фазилати орқали ҳақиқий ўзлигини англайди. Ҳаёли инсонда *тароват* ва гўзаллик мавжуддир. Бедил ҳаё билан мардликни уйғунликда кўради:

Ҳаё тухмин қўлдан берса гар одам,
Ғайрат биносининг қадди бўлур хам.
Соқолдан лоф урса ишонма унга,
Номус қўлдан кетгач, қолмас мардлик ҳам. (Мирзо Абдулқодир Бедил, 2005:46)

Ҳаёли киши диёнатли, ориятли, самимийликни ўзида мужассамлаштирган бўлишини Бедил атрофлича ифодалаб берган. Инсон ҳаёсиз бўлса, у қадр-қимматини йўқотган, нафс балосига дучор бўлган инсон қиёфасидаги махлуқдир. Ор-номусни ардоқлаш, унга амал қилиш заруратини англаган Мирзо Бедил ҳаё ахлоқий тушунчаси орқали шарқона ахлоқий гўзалликни яна бир поғона юқорига кўтаради. Шоир ахлоқий қадриятлар ҳақида фикр билдирганда, мардлик, шарму-ҳаё, одоб, фидоийлик бобида ўрнак бўлувчи кишиларни қадрлайди.

Бедилнинг замондоши бўлган Зебуннисо ушбу сифатни ўзида жо этган ҳолда қуйидаги байтни ёзади:

Лайли зотидан эсам-да, дилда Мажнунча ҳаво,
*Тоғу тош кезгум келур, лекин йўлим тўсгай ҳаё. (*Зебуннисо, Дилшод ва Анбар Отинлар шеъриятидан. 1981:7)

Шарқда мардлик бу фақатгина жангда қаҳрамонлик кўрсатиш, ўзини хавф-хатарга солиш эмас, балки ориятли, ҳаёли бўлиш билан белгиланиши Бедил сатрларида ҳам акс этиб турибди:

Кимники раҳбари бўлибди ҳаё,
Уни маҳв этолмас офат ва бало…
Фитратингдан жудо бўлмасин ҳаё
Оёқ остингга боқ, бўлма бепарво. (Шарқ тафаккури хазинасидан. 1986:59 – 60)

Бедил гўзал ахлоққа эришишнинг йўл-йўриқларини кўрсатиш билан бирга, умуман, "гўзал ахлоқнинг ўзи нима?" - деган саволга ҳам жавоб беради. Мутафаккир илгари сурган ғояга кўра, ҳар ким енгилтаклик қилиб ёмон хислатларни ошкор этса, у хоҳ билимдон бўлсин, хоҳ нодон бўлсин, халқ нафратига дучор бўлади. Оламни забт этувчи яхши ва эзгу нарса ахлоқ гўзаллиги саналиб, буни барча маъқул кўриши таъкидланади:

Оламни забт этар гўзаллик билсанг,
Ахлоқий ҳусндир, шуни де ҳар он. (Мирзо Абдулқодир Бедил. 1974:83)

Бедил инсонларда ахлоқий фазилатларни шакллантиришда донишмандларнинг ўрни ниҳоятда катта эканлигини алоҳида таъкидлайди:

Агар табиате касеро моили нифоқ дарёбӣ,
Ба яқин шиносӣ, ки суҳбати акобир дарнаёфтӣ.

Маъноси: *Агар бирор киши табиатида иккиюзламачилик, ёлғонликка мойиллик топсанг шуни аниқ билгилки, у киши буюк олим ва файласуфлар суҳбатига етишмаган, яъни, улардан ахлоқий тарбия олмаган. (Иброҳим Мўминов. 1969: 118)*

Бедил илгари сурган ахлоқий қадриятлар орасида *меҳнатсеварлик* ҳам ўзига хос тарзда талқин этилган. Унингча, Аллоҳни рози қилмоқчи бўлган инсон халқ фаровонлиги йўлида меҳнат қилиши ва заҳмат чекиши зарур. Мирзо Бедил кишиларнинг қадр-қиммати ва афзаллигини меҳнатда деб билади.

Халққа хизмат айла уни ўйла доимо,
Бу томоша оламида ўзингга қўйма бино. (Шомухамедов Ш. 1974:40)

Бедил ҳунарсиз, бирор-бир меҳнат билан шуғулланмайдиган кишиларни қаттиқ қоралаган.

Ўзининг “Ирфон” асарида ул зот “Иш қилмасдан мукофот излаш уятсизликдир. Эй, тадбир иши излашга, исташга эринганлар. Бекордан бекор хоҳлаш уятдир. Дангасаликни таваккул деб атаб, хом тасаввур қилибсан”, (Бедил. Куллиёт,1956:52)-дейди. Шоирнинг ўйлашича, меҳнат қилиш, муайян касб-ҳунар билан машғул бўлиш инсонни камолот сари етаклайди, уни бахтли-саодатли қилади. Бедил деҳқончилик, ҳунармандчилик ва илмнинг ривожланиши халқ турмушини яхшилашини, давлатнинг мустаҳкамлашини маълум даражада англаб етиб, тарғиб қилади.

Бедил инсон қадр-қиммати молу дунё билан эмас, балки меҳнат, илм-ҳунар ва ахлоқий гўзаллик билан белгиланади, деган фикрда қатъий туради. “Ҳунар эгалламагунча киши юзига иқбол эшиги очилмайди”. (Бедил. Куллиёт. Чор унсур. 1299 ҳижрий:101)

Унингча, меҳнат билан банд бўлмаган одам марваридсиз чиғаноқдек бефойдадир. Мирзо Бедил меҳнат, илм-ҳунар ҳақида фикр билдириб, шундай дейди:

Аз шубонӣ чӣ ор дошт Калим?
В-аз иморат чӣ рехт Иброҳим?
З-ин чаман ҳар гуле баҳоре дошт,
Ҳар киро даст буд, коре дошт.

Маъноси: *Мусо чўпон, Иброҳим эса бинокор бўлган, ҳар бир кишининг бирор иши бордир. Одам қандай бўлмасин, бирор фойдали иш билан шуғулланиши керак. (Мўминов Иброҳим. Мирза Бедил. 1964:42)*

Бедилнинг таъкидлашича, ипак ёки оддий матодан қилинган уст-бош кишининг хулқ-атвори, ҳақиқий қиёфасини белгилашда асосий омил бўла олмайди, балки инсонни ахлоқий қиёфаси меҳнатда, қилган ишларида билинади:

Ҷома хоҳ атлас аст, хоҳ палос,
Шахс ботил намешавад зи либос.
Маъниаш равшану тақаддуси ранг,
Аз сиёҳии хат надорад нанг.

Маъноси: *Либос хоҳ атласдан, хоҳ полос матодан бўлсин, бари-бир киши кийимда яширина олмайди. Рангда маъно соф, равшан бўлганидек, инсон ўз хатти-ҳаракатида кўринади. Хат қоралиги билан ёмон иш эмас, аксинча, хат инсон учун жуда муҳим ва фавқулодда фойдалидир. (Иброҳим Мўминов. Мирза Бедил.1964:42)*

Файласуф-шоир илм-ҳунар эгаллашда ҳар бир инсон ахлоқий мезонларни, жумладан, инсоф, камолотга интилишни ўзига раҳбар қилиб олиши керак, деган ғояни ўртага ташлайди:

Забт этайин десанг сен илму ҳунар,
Инсоф, камолни эт ўзингга раҳбар. (Мирзо Абдулқодир Бедил,2005:68)

Файласуф инсоннинг илмли, ҳунарли бўлишида ва камолот сари интилишида, албатта, устозлар кўмаги зарурлигини таъкидлайди. Устознинг зарурлигига далил кўпдир, устозга эргашмасдан кишининг меҳнати самара бермайди. *Устозга, ота-онага, катталарга ҳурмат* халқимизнинг азалий ахлоқий қадриятларидан саналади. Бедил шеъриятида бу яна бир бор ўз исботини топган. Маънавий меросимиз, ахлоқий қадриятларимиз тикланаётган айни вақтда ушбу *устоз-шогирдлик* хулқ-одоби муҳим ўрин тутади.

Бедил ўзининг ахлоқий қарашларида *сабр-қаноат* тушунчасига алоҳида эътибор қаратади. У сабр-қаноатга тааллуқли ибратли ҳикматларни ўз асарларида кўп тилга олади. Бундан ташқари, файласуф-шоир тез камолга етиб, пири ўрнида муршид бўлишга ошиқаётган ёшларга қарата, ҳар нарсанинг вақти бор, деган маънода қуйидагиларни уқтиради:

Пухтагӣ хоҳӣ, ба дарди бенавоӣ сабр кун,
*Осмон сарсабз дорад меваҳои хомро. (*Бедил. Куллиёт, 1882:44)

Мазмуни:

Пишмоқни истасанг, бенаволик дардига сабр қилгин,
Фалак хом меваларни ям-яшил тутади.

Ахлоқий, ижтимоий-сиёсий, фалсафий-тасаввуфий мазмунга эга бу байтнинг биринчи маъноси қуйидагича: айрим соликлар тез муршидлик даражасига етишни, пирлик мансабига чиқишни хоҳлашган. Бундай шогирдлар учун машаққатлар чекиш ўрнига тезроқ шайхлик ўриндиғига ўтириш муҳимроқ бўлган.

Шунингдек, байтдаги ҳолатни тез улғайишни ҳавас қилган хомхаёл ёшлар ёки ижтимоий-сиёсий ҳаётда мансаб поғоналарига интилганларга ҳам қиёслаб кўрайлик. Бедил киноя тарзидаги ҳикматига инкорни инкор қонунини асос қилиб оларкан, хом мева гарчи ичдан нордон, ейишга яроқсиз бўлса ҳам, табиатан яшнаб туриш хусусиятига эга, дейди. Пишиб, ичи ширага тўлгач эса мева яшнаш хусусиятини йўқотади. Териси бужмаяди, дарахтдан узилиб ерга тушади ва чириб битади, оёқ ости бўлади. Ғўр бўлса ҳам у дарахтда чиройли эди, боғни ўз ҳусни, таровати билан яшнатиб турарди.

Бедил сабр ахлоқий тушунчасининг аҳамияти ҳақида шундай дейди:

Сабр билан ҳар ким дилга берса қўл,
Севинч оинасин кўргай албат ул.
Сабр билан киши мақсадга етар.
Чунки сабр ташвишлардан ор этар.
Сабр жойида ховлиқишга йўл бермас,
Сабр йўлин таскин йўлин дегайлар.
Мурод-мақсадга у билан етгайлар. (Мирзо Абдулқодир Бедил. 1960:70.)

"Ирфон" асарида эса Бедил шундай дейди: "*Сабр қилдинг, дам ҳам олдинг, ҳаводан нафас тортдинг. Сабр ва тиришиш денгиз ва гавҳар сингари ҳар иккиси ҳам керакдир*". (Мирзо Абдулқодир Бедил,1956:55)

Дарҳақиқат, дунёда катта ишларни амалга ошириш, орзу-мақсадга, бахт-саодатга эришиш учун инсонга сабр-бардош керак бўлади. Меъмор ҳам бирон муҳташам бинони қуриш фикрида бўлса, аввало у ўз кўнглида сабр тошини туйиши ҳолати файласуф томонидан чиройли бадиий иборалар билан ифодаланган.

Бедил *Ватан ва ватанпарварлик* ҳақида жуда кенг маънода фикр юритиб, шундай дейди:

Ба меҳри модари гетӣ макаш ранҷи умед ин ҷо,
Ки хунҳо мехўрад, то шир мегардад сафед ин ҷо.
Муқими норасоӣ бош пеш аз хок гардидан,
*Ки мағзи ҳар ду олам чун арақ хоҳад чакид ин ҷо. (*Абдулқодири Бедил,1989:9)

Бедилнинг юқорида келтирилган байти шуни англатадики, у *Ватан* деганда бир парча тупроқни тушунади. Бу тупроқ онанинг меҳрига қиёсланади. Шу билан бирга икки дунёнинг мағзи ҳам шу тупроқ, деб қаралади. Тупроққа меҳр қўйиш аслида бу ватанга меҳр-муҳаббатли бўлиш рамзидир. *Ватан* ниҳоятда кенг тушунча. Она замин, яшаётган маконимиз, туғилиб ўсган тупроқ буларнинг барчаси *Ватан*дир. Фақат шу макон, туғилиб-ўсган тупроқгина сенга меҳр беради, азоблардан халос этади, деб уни таърифлайди Мирзо Бедил.

Бедил фалсафасида *Ватанни севиш* инсоний бурч сифатида қаралади. У инсонни ҳар қандай оғир вазиятда ҳам ватанни севишга, яхши кунида ҳам, ёмон кунида ҳам у билан ҳамнафас бўлишга чақиради. *Ватан* бошига оғир кунлар келганда жонининг ҳузурини ўйлаб, ватанни тарк этувчиларни ниҳоятда қоралайди. Уларга бўлган нафратини яширмайди, ватанига хиёнат қилганларни гўё ёниб ўчган чироққа ўхшатиб шундай дейди:

Кимки ғаниматдеб ватандан кўчар,
Бошқага ҳам кўнгил қўёлмай ўтар.
Учқун тошдан ажраб чиққанидан сўнг,
Қанча ардоқлама, бари бир ўчар. (Мирзо Абдулқодир Бедил. 2005: 67)

ХУЛОСА

Мирзо Бедил инсондаги нуқсонлар, камчиликлар ҳамда ярамас ва тубан иллатларни қоралайди, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ижтимоий ҳаётдан, кишиларнинг ўзаро муносабати, хатти-ҳаракати ва хулқ-одобидан қидиради.

Мирзо Бедил кўпроқ дангасалик, макр-ҳийла, хиёнат, иғвогарлик, ёлғончилик, таъмагирлик, очкўзлик, кибру ҳаво, хасислик, ҳирс ва нафсга берилиш каби иллатларни танқид қилади.

Бедилнинг "Ирфон" номли асарида кишиларни саховат, бир марта берилувчи умрдан ўзи ва бошқалар манфаатлари йўлида унумли фойдаланиш, ўзини арзимаган нарсалар учун ўтга-сувга уриб, азиз умрни барбод қилмаслик, илм олиш каби яхши инсоний хислатларга чақириқ янграйди. Ҳатто, Бедил инсонни бефаросатлик, дағаллик сингари айрим хусусиятлардан ҳам холи кўришни истайди. "Ирфон" асаридаги бир тамсилда бир шахснинг ўйламай-нетмай иш тутиши, қўпол ва ёмон оғизлиги маҳорат билан қораланиб, тартибга чақирилади. Унда бир болакай қудуқ оғзига яқин ерда ўйнаркан, туйқусдан қўлидаги нонни сувга тушуриб юборади ва йиғлаганча отаси олдига келади. Ота бола йиғиси ва қўлида нон йўқлигини кўра солиб, ўғлидан сўраб ҳам ўтирмасдан, кўнглидаги гумон бўйича "нонингни ким тортиб олди" дейишга тушади. Бола йиғи аралаш қудуқ томонни кўрсатади. Ота қудуқ бошига бориб, шу ёниб турган куйи сувда ўз аксини кўради ва унга қараб ғазаб билан дейди: "Эй иблис, ҳийла билан болакайнинг қўлидан нонини олиб егани уялмадингми?" Шунда сув тилга кириб, кулганча шундай дейди: "Ўзинг аксингни кўрмоқдасан сувда, ўзингни ўзинг койимоқдасан. Болангдан бир оғиз нима бўлганини сўрамадинг, ўз ишидан қўрққан боланинг гапи билан дарҳол гумонга тушдинг ва қудуқдаги ўз аксингга қараб сўкина кетдинг. Ақлинг ва қалбинг шу бўлгач, энди бу ҳақоратларнинг бари сенга тааллуқли бўлиб қолди. Одам бироз босиқроқ, юмшоқ табиат, ҳалимроқ бўлгани тузук. Инсонга сувдек мулойимлик ярашади. Ўзингни-ўзинг озгина тартибга чақир, уялтир. Шунда сувдек тип-тиниқ бўласан, сувдаги ўз аксингни таний оласан".

"Ирфон"даги яна бир ҳикоят орқали Бедил инсонларни арзимаган нарсанинг ногоҳ қўлдан чиққани учун куйиб-пишмасликни, нафсни тия олишни ўрганишни уқтиради. Чунки ҳикоятда боғ эгаси боғидан битта олма ўғирлаб қочган қарға кетидан қувлаб, чуқурга йиқилиб тушади ва азиз ҳаётидан айрилади. Ундан олмагина эмас, бутун бошли бир боғ ҳам қолиб, бошқаларга насиб қилади.

Қарғанинг ҳам шундан ризқи бор эканки, битта олмани олибди.

Бедил воқеани ҳикоя қилар экан, бу фоний ҳаётда ҳамма нарсага ҳам ортиқча ҳирс қўявермаслик кераклигини табиатдаги ҳодисалар тасвири орқали уқтиради. Бу дунёда ҳар нарсанинг ўз ўрни борлиги, бошқаларга озгина фойда келтириб туриш ҳам лозимлигини эслатади.

Бедил камтарликни улуғлайди ва одам қандай кийим киймасин, хоҳ ипакми, хоҳ дағал жунми, барибир, қадри камаймайди, деган ҳикматни илгари суради. Бедилнинг ҳикматли сўзлари ва панд-насиҳатлари бугунги кунимизда ҳам тарбиявий аҳамиятга эга долзарб масалалар ечимида қўл келиши ҳеч шубҳасиздир.

Мирзо Бедил ҳаётнинг мазмун-моҳиятини инсон манфаатлари учун хизмат қилиш ва ўзидан ёдгорлик қолдиришда белгилайди, деган ғояни илгари суради. Мутафаккирнинг таъкидлашича, бу дунё гўзаллик ва эзгулик намуналарига тўла. Шунинг учун ҳам унга ҳафсаласизлик ётдир. Бедил инсоннинг ҳаётини доимий ҳаракатда, изланишда, ўқиш-ўрганиш ва илм-ҳунар эгаллашда кўради. У инсон ҳаётининг маъносини ахлоқий гўзалликда кўради. Ахлоқан гўзал инсонгина ўзидан яхши ном қолдириб, мазмунли ҳаётга мушарраф бўла олади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1983. – 112 б.
2. Алишер Навоий. Лисонут – тайр. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1991. – 464 б.
3. Бедил. Куллиёт. Бомбей, 1882.
4. Болтабоев Ҳамидулла. Фитрат – Бедилшунос. / “Бедил ва ўзбек маънавияти” мавзуидаги халқаро анжуман материаллари. – Т.: “Мовароуннаҳр”, Теҳрон: “Ал-Ҳудо” халқаро нашриёти, 2005. – Б.34-53.
5. Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадир. – Т.: “Меҳнат”, 2001. – 158 б.
6. Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. / Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: “Шарқ”, 1999. – 368 б.
7. Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: “Ёзувчи”, 1996. – 270 б.
8. Комилов Н. Тасаввуф. 2-китоб. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, “Ўзбекистон”, 1999. – 207 б.
9. Кадканий, Муҳаммадрэзо Шафеъи-йэ. Шоъэр-э ойинэҳо. Барраси-йэ сабк-э ҳэндий ва шэър-э Бидэл. – Тэҳрон: “Огоҳ”, 1384.
10. Матназар Абдулҳаким. Табаррук ташриф / Бедил рубоийларининг таржимаси. – Урганч: Хоразм, 1991. – 39 б.
11. Матназар Абдулҳаким. Такаллум. – Нукус: Қорақалпоғистон, 1995 – 45 б.
12. Мирзо Абдулқодир Бедил. Куллиёт – Душанбе: “Ирфон”, 1956. – 655 б.
13. Мирзо Абдулқодир Бедил. “Комде ва Мудан”. / Назармат таржимаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 1960. – 94 б.
14. Мирзо Абдулқодир Бедил. Осор: иборат аз ҳашт ҷилд. Ҷилди якум. – Душанбе: “Адиб”. 1989. – 670 б.
15. Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубоийлар. / Форс-тожик тилидан Ш.Шомухамедов таржимаси. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1974. – 106 б.
16. Мирзо Абдулкодир Бедил. Ғазал ва қасидалар. – Ҳижрий 1333. – 118 б.
17. Мирзо Абдулқодир Бедил. Шавқингни ёд этиб. – Т.: Нашриёт матбаа ижодий уйи, 2005. – 144 б.
18. Қадимий ҳикматлар, Т., 1987
19. Мўминов И. Мирза Бедил. – Т.: “Фан”, 1964. – 76 б.
20. Мўминов И. Мирза Бедилнинг фалсафий қарашлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1957. – 96 б.
21. Муминов И. Философские взгляды Мирзы Бедиля. – Т.: Уз “Фан”, 1957. – 110 с.
22. Мўминов И. Ўзбекистонда прогрессив ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихига доир материаллар. – Т.: “Ўзбекистон”, 1959. – 443 б.
23. Мўминов И. Танланган асарлар. 1 жилд. – Т.: “Фан”, 1969. – 494 б.
24. Фаридиддин Аттор. Илоҳийнома / Форс тилидан Н.Комилов таржимаси. – Т.: “Ёзувчи”, 1994. – 94 б.
25. Шукуров Ш. Мирза Бедилнинг поэтик мероси. – Т.: “Фан”, 1979. – 132 б.
26. Шомухамедов Ш. Хазиналар жилоси. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1981. – 397 б.
27. Шомухамедов Ш. Форс – тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм. – Т.: “Фан”, 1968. – 430 б.
28. Хўдоёр Иброҳим. Садрэддин-э Айний ва Бидэл-э Дэҳлавий (Форс тилида). // “Сино” журнали, 2011 йил: баҳор-ёз. 41-42 сонлар. – Б.34-49.
29. https://www.researchgate.net/profile/Zafar-Holmuminov
30. Холмўминов Жаъфар. Бедил фалсафасини яратган давр. / “Ўзбекистоннинг маънавият стратегияси: генезиси, эволюцияси ва амалиёти” мавзуидаги Республика илмий-амалий анжумани илмий мақолалар тўплами. 2016 йил 31 март. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети. – Т., 2016. – Б.52-54.
31. Холмўминов Жаъфар. Бедилни англаш завқи. / “Ўзбек шарқшунослиги: бугуни ва эртаси”. Илмий мақолалар тўплами. 7. – Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2016. – Б.216-227.
32. Хўдоёр Иброҳим. Садрэддин-э Айний ва Бидэл-э Дэҳлавий (Форс тилида). // “Сино” журнали, 2011 йил: баҳор-ёз. 41-42 сонлар. – Б.34-49.

ADABIYOTLAR RO`XATINING TRANSLITERASIYASI:

1. Alisher Navoiy. Mahbub ul-qulub. – T.: “Adabiyot va san’at”, 1983. – 112 b.

2. Alisher Navoiy. Lisonut – tayr. – T.: “Adabiyot va san’at”, 1991. – 464 b.
3. Bedil. Kulliyot. Bombey, 1882.
4. Boltaboyev Hamidulla. Fitrat – Bedilshunos. / “Bedil va o‘zbek ma’naviyati” mavzuidagi xalqaro anjuman materiallari. – T.: “Movarounnahr”, Tehron: “Al-Hudo” xalqaro nashriyoti, 2005. – B.34-53.
5. Jaloliddin Rumiy. Ichindagi ichindadir. – T.: “Mehnat”, 2001. – 158 b.
6. Jaloliddin Rumiy. Ma’naviy masnaviy. / Asqar Mahkam tarjimasi. – T.: “Sharq”, 1999. – 368 b.
7. Komilov N. Tasavvuf. – T.: “Yozuvchi”, 1996. – 270 b.
8. Komilov N. Tasavvuf. 2-kitob. – T.: “Adabiyot va san’at”, “O‘zbekiston”, 1999. – 207 b.
9. Kadkaniy, Muhammadrezo Shafe’i-ye. Sho’er-e oyineho. Barrasi-ye sabk-e hendiy va she’r-e Bidel. – Tehron: “Ogoh”, 1384.
10. Matnazar Abdulhakim. Tabarruk tashrif / Bedil ruboiylarining tarjimasi. – Urganch: Xorazm, 1991. – 39 b.
11. Matnazar Abdulhakim. Takallum. – Nukus: Qoraqalpog‘iston, 1995 – 45 b.
12. Mirzo Abdulqodir Bedil. Kulliyot – Dushanbe: “Irfon”, 1956. – 655 b.
13. Mirzo Abdulqodir Bedil. “Komde va Mudan”. / Nazarmat tarjimasi. – T.: “O‘zbekiston”, 1960. – 94 b.
14. Mirzo Abdulqodir Bedil. Osor: iborat az hasht ҷild. Ҷildi yakum. – Dushanbe: “Adib”. 1989. – 670 b.
15. Mirzo Abdulqodir Bedil. Ruboiylar. / Fors-tojik tilidan Sh.Shomuxamedov tarjimasi. – T.: “Adabiyot va san’at”, 1974. – 106 b.
16. Mirzo Abdulkodir Bedil. G‘azal va qasidalar. – Hijriy 1333. – 118 b.
17. Mirzo Abdulqodir Bedil. Shavqingni yod etib. – T.: Nashriyot matbaa ijodiy uyi, 2005. – 144 b.
18. Qadimiy hikmatlar, T., 1987
19. Mo‘minov I. Mirza Bedil. – T.: “Fan”, 1964. – 76 b.
20. Mo‘minov I. Mirza Bedilning falsafiy qarashlari. – T.: “O‘zbekiston”, 1957. – 96 b.
21. Muminov I. Filosofskiye vzglyadы Mirzы Bedilya. – T.: Uz “Fan”, 1957. – 110 s.
22. Mo‘minov I. O‘zbekistonda progressiv ijtimoiy-falsafiy fikrlar tarixiga doir materiallar. – T.: “O‘zbekiston”, 1959. – 443 b.
23. Mo‘minov I. Tanlangan asarlar. 1 jild. – T.: “Fan”, 1969. – 494 b.
24. Farididdin Attor. Ilohiynoma / Fors tilidan N.Komilov tarjimasi. – T.: “Yozuvchi”, 1994. – 94 b.
25. Shukurov Sh. Mirza Bedilning poetik merosi. – T.: “Fan”, 1979. – 132 b.
26. Shomuxamedov Sh. Xazinalar jilosi. – T.: “Adabiyot va san’at”, 1981. – 397 b.
27. Shomuxamedov Sh. Fors – tojik adabiyoti klassiklari ijodida gumanizm. – T.: “Fan”, 1968. – 430 b.
28. Xo‘doyor Ibrohim. Sadreddin-e Ayniy va Bidel-e Dehlaviy (Fors tilida). // “Sino” jurnali, 2011-yil: bahor-yoz. 41-42 sonlar. – B.34-49.
29. https://www.researchgate.net/profile/Zafar-Holmuminov
30. Xolmo‘minov Ja’far. Bedil falsafasini yaratgan davr. / “O‘zbekistonning ma’naviyat strategiyasi: genezisi, evolyutsiyasi va amaliyoti” mavzuidagi Respublika ilmiy-amaliy anjumani ilmiy maqolalar to‘plami. 2016-yil 31-mart. O‘zbekiston Davlat jahon tillari universiteti. – T., 2016. – B.52-54.
31. Xolmo‘minov Ja’far. Bedilni anglash zavqi. / “O‘zbek sharqshunosligi: buguni va ertasi”. Ilmiy maqolalar to‘plami. 7. – T.: Toshkent Davlat sharqshunoslik instituti, 2016. – B.216-227.
32. Xo‘doyor Ibrohim. Sadreddin-e Ayniy va Bidel-e Dehlaviy (Fors tilida). // “Sino” jurnali, 2011-yil: bahor-yoz. 41-42 sonlar. – B.34-49.